

«Ойи, келинг, бирга намоз ўқиймиз, мен имом бўламан»



16:00 / 14.02.2023 2353

Оталардан бири айтади: «Бир куни қўшнилари билан фарзандларнинг намози ҳақида узун суҳбат бўлиб қолди. Баъзи қўшнилари: «Ишим кўп, уйда кўп бўла олмайман, шунинг учун фарзандларимнинг намозига кўп аҳамият бера олмайман» деб, шикоят қилишди.

Яна бошқаси: «Унинг фарзандлари ўзи буюрганда намозига аҳамият бермаяпганлиги, агар ўқитувчиси ёки дўстлари буюрса, итоат қилаётганини» айтди. Узун суҳбатдан кейин масала нимада эканлигини ва унинг ечимини топдик. Қўшнилари билан намозни муҳофаза қилишга келишиб олдик. Уйларни қаватларга бўлдик ва ҳар бир қаватга биттадан болалар учун мукофот сандиқини қўйдик.

Биз: «Баъзилар ишга кетганда, уларнинг фарзандларини намозини мулойим ҳолда кузатиб боради. Агар ким намоз вақтида ўйнаётган болани кўриб қолса, уни намозга чорлайди ва ибодатни адо этса мукофот беради. Ҳафтанинг охирида шу уйнинг болалари учун ҳар хил намоз тўғрисида мусобақалар ўтказамиз. Ҳамма қўшнилари мусобақа тугаганидан сўнг фарзандларига ҳар хил совғалар беришади» деб келишиб олдик. Бу қилган ишимиз бир-биримизга анча ёрдам берди».

Саҳобия аёллар ўйинчоқлар болаларни овутишлигини қаердан билишди? Улар бу услубни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрганишган. Негаки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам набираларини масжидга олиб келиб, уларни елкаларида ўйнашига рухсат берганларини кўришган. Шу услуб орқали фарзандларини ёшлигидан исломий ибодатларни ўрганиб бориши ва қалбида муҳаббат уйғотиши учун ҳар хил нарсалар орқали чалғитишган. Пайғамбаримизнинг мана шу тарбиявий услубларига кўра ҳаётда тажриба қилинган гўзал воқеалардан сизларга тақдим қиламиз.

Оналардан бири айтади: «Ўғлим беш ёшлигида мен билан бирга намоз ўйинини ўйнашни яхши кўрар эди. У менга: «Ойи, келинг, бирга намоз ўқиймиз, мен имом бўламан. Сиз мени орқамда намоз ўқийсиз» деб айтар эди. Мен фарзандимни бу фикрига рози бўлиб, у мени олдимда гўзал бир кичик имомча бўлиб турар эди. Албатта, бизни бу ҳолатимиз бироз кулгули, бироқ жуда гўзал ҳисобланар эди. Намоз ўқиб бўлганимиздан кейин мен ўғлимни бағримга босаман. Сўнгра, пешонасидан ўпиб: «Эй бизни имом, Аллоҳ бу ибодатимизни ўз даргоҳида қабул қилсин!» деб унга мақтов сўзларни айтар эдим».

Ўйигитлардан бири айтади: «Отам мени бомдод намозини яхши кўрадиган қилиб қўйдилар. Негаки, бомдод намозига ёшлигимда елкаларида кўтариб, масжидга олиб чиқар эдилар. Табиийки, бомдод намозидан намозхонларни сони оз бўлар эди. Отам мени ёш бола бўлишимга қарамай, елкаларига кўтариб, масжидга олиб чиқишларидан асло уялмас эдилар».

Оналардан бири айтади: «Фарзандларим масжидда ўйнашлари учун мен уларга бир нечта овози чиқмайдиган ўйинчоқлар сотиб олганман. Фарзандимни ҳар намоз вақтида масжидга олиб чиқаман, ўйинчоқларини масжидга қўйиб қўйганман. Фарзандимни намоз ўқиладиган вақтда ҳеч кимга зарари тегмаслиги учун ўйинчоқларни унинг олдида қўйиб қўяман. Намоздан қайтаётган вақтимизда масжиддаги ўйинчоқларни ўз жойига

қўйиб, сўнг уйга қайтамиз. Кейинги намоз вақтларида ҳам худди шундай, иложи борича намозни масжидда ўқишга ҳаракат қиламан».

**Ҳабибуллоҳ Ахмадовнинг «Намоз» китоби асосида
Хуршид Маъруф тайёрлади**